

**«Марказий дехкон бозори» АЖ
акциядорларининг 2016 йил
25 июндаги навбатдаги умумий
йиғилиши қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**«Марказий дехкон бозори» АЖ
“Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия
органи аъзоларини рағбатлантириш түғрисида”ги
НИЗОМ**

Андижон – 2016 йил

I. Умумий қоидалар.

1.1. Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамияти ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва «Марказий дехкон бозори» АЖ Уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.

1.2. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, жамият ижроия органи аъзоларини ойлик тақдирлаш ҳамда чораклик ва йиллик иш якунлари бўйича рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини қуришнинг энг муҳим масалаларидан биридир.

1.3. Корпоратив бошқарув аъзоларини тақдирлашнинг асосий мақсади - уларнинг масъулиятини ошириш, жамиятнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган бизнес-режанинг бажарилишини таъминлаш, корхона томонидан олинаётган соф фойдани кўпайтириш, улар фаолиятидан реал самарага эришиш, зиммасига олинаётган масъулиятини оширишдир.

II. Тақдирлаш ва рағбатлантиришга бўлган ҳуқук.

2.1. Иш натижалари бўйича тақдирлаш ва рағбатлантириш жамият кузатув кенгаши раиси ва аъзолари, тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари, ижроия органи бошқарувни раиси ва аъзоларига берилади.

2.2. Юқорида тақдирлаш ва рағбатлантириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни тақдирлаш Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарорлари асосида уларнинг ваколатлари бекор қилингунинг қадар амалга оширилади.

2.3. Агар тақдирланиш ҳуқуқига эга ходим йиллик иш даври давомида тўлиқ ишламаган тақдирда, рағбатлантириш микдори ишлаган давридан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

III. Тақдирлаш ва рағбатлантириш микдорини аниқлашда хисобга олинадиган тамойиллар.

3.1. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси раиси ва жамият ижриоя органи аъзолари бошқарувни раисини тақдирлаш учун асосий тамойиллардан бири, акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишидир.

3.2. Акциядорлар моддий манфаатларига тўлиқ риоя қилиниши, дивиденд тўловларининг ўз вақтида тўлаб борилиши, акциядорларнинг манфаатини кўзлаб амалга оширилган ишлар, жамиятнинг соф фойдасининг бизнес режага асосан бажарилиши ва ортиқча бажарилишини таъминлаганлиги учун.

3.3. Жамият бизнес-режа доирасида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъмин этганлиги ҳамда сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатларини иқтисод қилишга эришилганлиги бўйича.

3.4 Кузатув кенгаши фаолиятининг йўналишларидан бири жамият инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва капиталлашув даражасини ўстириш бўйича ишларининг самарадорлиги юзасидан.

3.5 Жамиятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишчи-хизматчилар сонини оптималлаштириш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва корхона ишчи-хизматчиларига кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича.

3.6 Кузатув кенгаши аъзолари учун - йил давомида мажлислардан ташқари вақтда кўриб чиқиладиган масалаларни мустақил ўрганиб чиқишилари, улар бўйича қабул қилинган қарорлар, ушбу қарорларнинг жамият учун фойда келтириши, акциядор манфаатларининг вакили сифатида жамият активларининг асралишига ва ўсиб боришига эришишнинг натижалари бўйича.

IV. Тақдирлаш ва рағбатлантириш хажми ва тўлов манбаалари.

4.1. Кузатув кенгаши раиси, аъзолари, тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари, жамият ижроия органи бошқаруви раиси ва аъзоларини тақдирлаш:

- кузатув кенгаши раиси учун бир ойда энг кам иш ҳаққининг _____ (_____) баравари миқдорида;
- кузатув кенгаши аъзолари учун бир ойда энг кам иш ҳаққининг _____ (_____) баравари миқдорида;
- тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларига йил якуни бўйича бир марта энг кам иш ҳаққининг _____ (_____) баравари миқдорида тўлов амалга оширилади.

Ижроия органи аъзоларининг ойлик маошларини белгилаш учун улар билан тузиладиган бир йиллик меҳнат шартномасига асосан олиб борилади.

4.2. Кузатув кенгаши ва жамият ижроия органи ходимлари прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаганлари учун чораклик рағбатлантириш миқдори, ўтган чорак давомида олинган тақдирлаш миқдорининг _____ (_____) фоизигача миқдорида тўланади.

4.3. Молия-хўжалик якуни бўйича йиллик соф фойда олиш режаси бажарилганда Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари, жамият бошқаруви раиси ва аъзолари куйидаги миқдорда рағбатлантирилади:

- Кузатув кенгаши аъзоларига – жамият томонидан олинган соф фойданинг _____ (_____) фоизи миқдорида;
- жамият ижроия органи аъзоларига – жамият томонидан олинган соф фойданинг _____ (_____) фоизи миқдорида.

4.4 Чорак ва йил якуни бўйича рағбатлантириш таксимоти бизнес режанинг бажарилиши натижаларига қараб жамият кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

V. Тақдирлаш ва рағбатлантиришни тўлаш тартиби.

5.1. Жамият кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларига чораклик ва йил якуни бўйича рағбатлантириш чорак ва йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисоботлари якунлангандан кейин амалга оширилади.

5.2. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ойлик тақдирлаш ой якуни бўйича олиб борилади.

5.3. Рағбатлантириш учун бериладиган маблағлардан қонунда белгиланган тартибда даромад солиги ундирилади.